



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «8» июль

VI-30-29-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясининг Сурхондарё вилоятида ижроси тўғрисида вилоят ҳокими Т.Боболовнинг ҳисоботи тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чоратadbирлари тўғрисида”ги ПҚ-5009-сонли қарори ижроси бўйича Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Боболовнинг ҳисоботини тинглаб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши қарор қилади:

1. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (М.Муродов), туманлар ҳокимлари ва мутасадди ташкилот раҳбарлари:

озик-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, вилоятдаги туманларнинг ҳудудларини муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга босқичма-босқич ихтисослаштиришни амалга ошириш, бунда қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда асосий эътиборни унинг ҳосилдорлиги, экспортбopлиги, яхлит майдонларда етиштирилишига эътибор қаратисинлар;

10 кун муддатда 2022 йил ҳосили учун асосий экин майдонларга қишлоқ хўжалиги экинлари экин турлари бўйича жойлаштиришни яқунлаш ва ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигида ҳимоя қилиш;

дон учун давлат буюртмаси ҳажмларини босқичма-босқич камайтириш, шу жумладан бошоқли дон харид қилиш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор механизмини жорий этиш белгиланганлигидан келиб чиқиб, туманлар ҳокимларининг қарорлари билан 2022 йил ҳосили учун бошоқли дон экинларини жойлаштириш вазифалари юклатилсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (А.Арипов), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (М.Муродов), Қизириқ туман ҳокими (И.Юсупов)га:

Қизириқ туманидаги “Agro Processing Group” МЧЖ га 165,5 гектар ер майдони помидор органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадида ажратилганлиги ва органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар рўйхатига киритилганлигидан келиб чиқиб, мавжуд муаммоларини ўрганиш ва корхонани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш;

органик маҳсулотлар етиштириш учун зарур бўлган моддий ресурслар етказиб берилишида кўмаклашиш;

корхона эҳтиёжидан келиб чиқиб тижорат банкларидан қонунда белгиланган тартибда кредит маблағлари ажратилишини таъминлаш;

келгусида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун камида битта туман ҳудудини органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқсинлар.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов), Олтинсой туман ҳокими (А.Жумаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 10 кун муддатда Олтинсой туман ҳудудидан 200 гектар майдонда плантация усулида интенсив боғ ва токзорлар барпо этиш ҳамда етти йил муддатда тўлаш шарти билан аҳолига сотиш тизимини йўлга қуйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросервис оператор” давлат унитар корхонасига қонунчиликда белгиланган тартибда ер майдони ажратиш масаласини ижобий ҳал этсин.

4. Термиз шаҳар ва туманлар ҳокимлари вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (М.Муродов), вилоят Бандлик ва меҳнат муносабатлари бошқармаси (С.Жумаев), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари вилоят кенгаши (У.Бобоқулов), Ёшлар ишлари агентлиги вилоят бошқармаси (Ж.Чориев) билан биргаликда:

ёшлар учун экин майдонлари, аввало, аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларига яқин ерлардан танланишига, контурлар яхлитлиги сақланишига ҳамда ёшларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ўргатиш учун тажрибали агрономлар жалб қилиш;

ерларни экишга тайёрлаш ва экинларга ишлов бериш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари, сув ҳамда иш қуроллари билан таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин.

5. Туманлар ҳокимлари:

2021 йил якунигача қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш мақсадида бир туманда учтагача пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этиш ва фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритиши бўйича аниқ таклифлар

ишлаб чиқиш;

бунда, фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хом ашёсини етказиб бериш бўйича ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузишларини ташкил этиш вазифалари юклатилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Сурхондарё вилоят бошқармаси (У.Зокиров), “Ўзмиллийбанк” АЖ вилоят филиали (И.Якубов), “Ипотекабанк” АТБ вилоят бошқармаси (Б.Нурмухаммедов), “Туронбанк” АТ вилоят филиали (А.Менглиев), “Қишлоққурилишбанк” вилоят бошқармаси (Ж.Қодиркулов);

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки ҳамда халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4800-сон қарори асосида “Ўзмиллийбанк” АЖ, АТБ Туронбанк, Ипотека банк ва “Қишлоқ қурилиш банк” иштирокида Сурхондарё вилоятига 20 млн. АҚШ доллари қийматида маблағ ажратилиши режалаштирилганлигидан келиб чиқиб, лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда белгиланган хорижий кредит маблағларини ўзлаштириш чорасини кўрсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (У.Турапов), вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (М.Муродов), Аму Сурхон ирригация тизимлари хавза бошқармаси (Т.Алимов), туманлар ҳокимлари:

вилоятда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичларини тўлиқ бажариш, фойдаланишдан чиққан суғориладиган ерларни қайта фойдаланишга киритиш доирасида суғориш тармоқларини қуриш, коллектор тармоғи таъмирлаш, тик суғориш кудуқлари қуриш тадбирларини амалга ошириш;

фойдаланишга киритилган ер майдонларига 2021 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинлари жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ф.Маманов), Давлат мулкани бошқариш агентлиги (С.Холиқов) вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (М.Муродов) билан биргаликда 20 кун муддатда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Сурхондарё ҳудудий Агрохизматлар марказини ташкил этиш мақсадида бино ва иншоотлар ажратиш бўйича аниқ таклифларни киритсин.

9. Юқорида белгиланган вазифалар ижроси бўйича мутасадди мансабдор шахслар ҳар чорак якунида Халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

10. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг Аграр, сув хўжалиги ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Т.Мамараимов зиммасига юклатилсин.

11. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга киради.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.